

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҲАМРАЕВА НАСИБА АБДУРАСУЛОВНА

**КЕСКИН КОНТИНЕНТАЛ ИҚЛИМ ШАРОИТДА ТИЗИМЛИ ҚИЗИЛ
ЮГИРИК КАСАЛЛИГИНИНГ ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ҳамраева Насиба Абдурасуловна Кескин континентал иқлим шароитда тизимли қизил югирик касаллигининг диагностикаси ва даволаш	5
Ҳамраева Насиба Абдурасуловна Диагностика и лечение системной красной волчанки в резко континентальных климатических условиях.....	21
Khamraeva Nasiba Abdurasulovna Diagnosis and treatment of systemic lupus erythematosus in sharply continental climatic conditions.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	42

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҲАМРАЕВА НАСИБА АБДУРАСУЛОВНА

**КЕСКИН КОНТИНЕНТАЛ ИҚЛИМ ШАРОИТДА ТИЗИМЛИ ҚИЗИЛ
ЮГИРИК КАСАЛЛИГИНИНГ ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.PhD/Tib425 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд Давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тоиров Эркин Санатович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Алиахунова Мавжуда Юсуповна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ахмедов Холмурод Садуллаевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Андижон Давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «13» август соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. ТТА 2-уқув бино “б” корпуси, 1-кават, 7 хона. Тел/факс: (+99871) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «4» август кuni тарқатилди.

(2020 йил «4» август даги 11 рақамли реестр баённомаси)



А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатларида инсонларда учрайдиган касалликлар орасида сурункали яллиғланиш хасталиклари, жумладан унинг аутоиммун шакллари етакчи ўринлардан бирига чиқмоқда. Уларнинг ёрқин ва драматик намунаси - тизимли қизил югирик (ТҚЮ) ҳисобланади. ТҚЮ—оғир аутоиммун касаллик бўлиб, инсон организмида иммун тизимининг жиддий бузилишлари билан кечади ҳамда жараён тери, бўғимлар ва ҳаётий муҳим аъзолар - буйраклар, марказий нерв тизими, қон томирлари ўзанларини қамраб олади. Жаҳонда «... касаллик билан 5 миллион атрофидаги киши хасталанган бўлса, беморларнинг 2/3 қисмида касаллик тез-тез авж олади ва кескин тарзда салбий оқибатларга олиб келади.....»¹. Касалликнинг тарқалиш кўрсаткичи турли худудларда турлича бўлиб, «...100 минг аҳолига нисбатан Европада 3 дан 6 ҳолатда, дунёнинг қолган мамлакатларида 4 дан 250 ҳолатгача аниқланган.....»². У негроид ирқига мансуб кишиларда ва Осиё мамлакатларида кўпроқ учрайди. Сўнгги 30-40 йиллар давомида ТҚЮ тарқалиш кўрсаткичлари кўпайганлиги қайд этилмоқда.....»³. Иммун хусусиятлар шаклланиши ва ТҚЮ касаллигининг ривожланишида генетик сабаблар билан биргаликда иқлимга боғлиқ омиллар ва овқатланиш хусусиятларининг таъсири ҳам муҳимдир.

Жаҳонда кескин континентал иқлим шароитида ТҚЮ касаллигини ташхиси ва самарали даволаш тизимини таъминлашга йўналтирилган қатор илмий–тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ТҚЮ касаллигининг юзага келишида беморларнинг ирсий мойиллиги, иқлим омиллари ва овқат стереотиплари бузилишларининг таъсир даражасини асослашдан иборат. Кескин континентал иқлим шароитида ушбу хасталик билан оғриган беморларда касалликнинг хусусиятларини Америка ревматологлар ассоциацияси (АРА), Systemic Lupus International Collaborating Clinics (SLICC) мезонлари ва халқаро мезонларга киритилмаган клиник ва лаборатор белгиларнинг учраш даражаси ва намоён бўлишини такомиллаштириш, шунингдек ТҚЮ ички хусусиятлари ва беморлар ҳаёт сифати кўрсаткичларини Lupus QoI сўровномаси натижалари асосида унинг кечиши, фаоллик даражасига боғлиқлигини баҳолаш ҳамда клиник белгилар ва беморлар ҳаёт сифати психометрик маълумотларининг динамик ўзгаришлари асосида босқичли синхрон интенсив даво усулини бошқа яллиғланишга қарши муолажага нисбатан қийсий самарадорлигини баҳолаш ва тавсиялар ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

¹Resolution on the results of events dedicated to the World Systemic Lupus Erythematosus Day: Systemic Lupus Erythematosus Conferences of the Association of Rheumatologists of Russia and the World., 2015.

² Stojan G, Petri M. Epidemiology of systemic lupus erythematosus: an update. Curr. Opin rheumatol. – 2018. - №30(2). P. 144-150

³Середавкина Н.В, Денисов Л.Н, Коротаева Т.В и др. XV Средиземноморский конгресс по ревматологии (Турция, Стамбул, 28–31 августа 2014 г.). Научно-практическая ревматология. 2015; №53(1) стр. 101–106.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, аҳоли орасида кескин континентал иқлим шароитида соматик касалликлар ва уларнинг асоратларни олдини олиш каби қатор вазифалар юклатилган. «...Уларда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ҳамда даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»⁴ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳолининг турли қатламлари орасида иқлим ўзгариши билан боғлиқ соматик касалликларни камайтириш, улар орасида профилактика чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали тизимли қизил югирик касаллигининг асоратлари натижасидаги ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда ревматик касалликларнинг (РК) хусусиятларини ўрганишда уларни юзага келишини, клиник кечувини аниқлаш, диагностика ва даволашда беморларнинг яшаш жойлари, иқлимнинг ўзгарувчанлик ритмлари, овқат стереотиплари ва ирсий омиллар билан боғлиқлигини инобатга олган тадқиқотлар ўтказиш ревматологиянинг истикболли йўналиши ҳисобланади. Ушбу муаммонинг муҳимлиги касалликнинг фаоллик даражаси ва турли хил кечувига мос равишда даво муолажаларини олиб боришда патогенетик жиҳатдан асосланган ва дифференциялашган терапия усуллари танлашда намоён бўлади. Касалликнинг оқибатлари ҳаётий муҳим аъзолар хусусан, буйрак ва марказий асаб тизими (МАТ) зарарланишларидан ташқари ўз вақтида тўғри

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

танланган терапияга ҳам боғлиқ (Синяченко О.В., 2007; Попкова Т.В., Лисицина Т.А., 2011; Осипок Н.В., 2013; Койлубаева Г.М., Асеева Е.А., Соловьев С.К. ва ҳам., 2016). ТҚЮ касаллигини аниқлаш, асосий хавф омиллари, клиник ва лаборатор белгиларининг аҳамиятини ўрганиш ҳамда касалликнинг фаоллиги, клиник ва психометрик хусусиятларига кўра самарали даво муолажаларини танлаш асоратлар ва эрта ўлим ҳолатларини олдини олишда муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистонда турли соматик касалликларнинг ташхислаш ва даволаш тизими ишлаб чиқилмоқда. ТҚЮ касаллигининг юзага келишида иқлимга боғлиқлик, ирсий ва салбий овқатланиш омилларини ўрганишга бағишланган текширувлар етарли эмас (Алекберова З.С. ва ҳам., 2012; Асеева Е.А. ва ҳам., 2016; 2019; Ахмедов Х.С., Хуррамов М.О., 2016), кескин континентал иқлим шароитида тизимли қизил югирик касаллигининг диагностикаси ва самарали даволаш тизими таъминлашга йўналтирилган ишлар бажарилмаган.

Аҳоли орасида касаллик кўпайган ёки кўпайиши кутилаётган регионларда касалликнинг эрта аниқлаш ва беморларни самарали даволаш ечимини кутаётган долзарб муаммо сифатида намоён бўлмоқда. Кескин континентал иқлим шароитида касалликнинг хавф омиллари, клиник хусусиятларини етарли даражада ўрганилмаганлиги ва оптимал даво усулларини танланмаганлиги бу соҳада келажакда олиб бориладиган илмий тадқиқотлар йўналишларини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 012000260 «Инсоннинг ижтимоий-аҳамиятли инфекцион ва ноинфекцион касалликларнинг профилактикаси, диагностикаси ва даволашдаги устувор усулларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тизимли қизил югирик касаллигининг хавф омиллари ва клиник намоён бўлиш хусусиятларини, ташхисотини ва яллиғланишга қарши даволаш муолажаларининг самарадорлигини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тизимли қизил югирик касалликнинг юзага келишида беморларнинг ревматик касалликлар бўлган ирсий мойиллиги, иқлим омиллари ва овқат стереотиплари бузилишларининг таъсир даражасини баҳолаш;

кескин континентал иқлим шароитида тизимли қизил югирик билан касалланган беморларда касалликнинг хусусиятларини ACR (1997), SLICC (2012) мезонлари ва халқаро мезонларга киритилмаган клиник ва лаборатор белгиларнинг учраш даражаси ва намоён бўлишни баҳолаш;

тизимли қизил югирик касаллигининг ички хусусиятлари ва беморлар ҳаёт сифати кўрсаткичларини Lupus QoI (2007) сўровномаси натижалари асосида касалликнинг кечуви ва фаоллик даражасига боғлиқлигини баҳолаш;

клиник белгилар ва беморлар ҲС психометрик маълумотларининг динамик ўзгаришлари асосида тизимли қизил югирик касаллигининг

даволашдаги босқичли синхрон интенсив терапия (СИТ) усулини бошқа яллиғланишга қарши даво муолажарига нисбатан қиёсий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2014-2018 йиллар давомида Республиканинг 3 та клиникалари: Самарқанд давлат тиббиёт институти клиникасиси ревматология бўлими, Тошкент тиббиёт академияси артралогия ихтисослашган даво амбулатория курси (ИДАК) ревматология маркази ва Андижон давлат тиббиёт институтининг терапия бўлимларида тизимли қизил югирик касаллаги билан даволанган 184 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар анемнез маълумотлари, ирсий преморбид хусусиятлари, салбий овқат стереотиплари, эквивалент-самарали ҳарорат кўрсаткичларини дастурий текширув, Lupus QoI сўровномаси, ACR, SLICC мезонлари, қон таҳлили, С-реактив оқсил (СРО), – α – ўсма некроз омили (α – ЎНО), циркуляциядаги иммун комплекслари (ЦИК), С3 ва С4 комплемент таркибий қисмлардан иборат материаллар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, анкета-сўровнома, лаборатор, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тизимли қизил югирик касаллигининг ривожланишида ирсий-генетик, иқлим омиллари, салбий овқат стереотиплари ва уларнинг аҳамияти ҳамда ўзаро боғлиқлик даражаси кўп омилли ва дастурий таҳлил натижалари асосланган;

биринчи марта Америка ревматологлар ассоциацияси (АРА, 1997) клиник мезонларига кирувчи тери, бўғим ва буйрак зарарланишларининг кескин континентал иқлим шароитида юқори даражада эканлиги кўрсатилган;

яллиғланишга қарши С3, С4 комплемент таркибий қисмлари, С-реактив оқсил, α – ўсма некроз омили, циркуляциядаги иммун комплекслари кўрсаткичлари қиёсий таҳлили асосида буйрак зарарланишларининг иммун табиатли ривожланиш механизми кўрсатилган;

махсус яратилган ва мостлаштирилган Lupus QoI (2007) сўровномаси орқали биринчи марта касалликнинг ички психометрик хусусиятлари ва беморлар ҳаёт сифати кўрсаткичлари 8 та психометрик шкалада баҳолаш натижалари исботланган;

биринчи марта босқичли (6 ойгача) даволаш ва кузатиш жараёнида клиник, лаборатор белгиларининг динамик ўзгаришлари яллиғланишга қарши терапия турига кўра таҳлил этилган ҳамда синхрон интенсив даволаш ва бошқа турдаги яллиғланишга қарши даво усулларининг самарадорлиги қиёсий баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тизимли қизил югирик касаллигини ривожланиши учун кескин континентал иқлимли худудларда қишлоқ шароитида яшовчи, уй хўжалиги билан шуғулланувчи ёш аёллар юқори хавф гуруҳини ташкил этиши баҳоланган;

тизимли қизил югирик касаллигини ривожланиш хавфини аниқлашда ревматик касалликларга бўлган наслий преморбидлик даражаси, салбий овқат стереотиплари ифодаланиши ва эквивалент самарали ҳарорат кўрсаткичларининг қулайлик даражасини балларда баҳолашнинг дастурий усуллари ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган;

маҳаллий аҳолида тимизли қизил югирик касаллигининг клиник, лаборатор, инструментал белгилари ва беморлар ҳаёт сифати хусусиятлари кўрсаткичларини аниқлаш асосида Америка ревматологлар ассоциацияси (АРА) ва Systemic Lupus International Collaborating Clinics (SLICC) диагностик мезонларининг махсуслик даражаси кўрсатилган;

тизимли қизил югирик касаллигининг оғир шаклларини самарали даволашда бошқа яллиғланишга қарши усулларга нисбатан қисқа муддатларда касаллик клиникаси ва лаборатор кўрсаткичларини сезиларли яхшиланишига олиб келувчи синхрон интенсив терапия киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, лаборатор, инструментал ва статистик усуллар асосида кескин континентал иқлим шароитида тимизли қизил югирик касаллигини тахислаш ва даволашнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий ахамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий ахамияти кескин континентал иқлим шароитида тимизли қизил югирик касаллигини ривожланишида хавф омилларининг ўрнини белгиловчи маълумотлар, уларни аниқлаш борасида ишлаб чиқилган дастурий тадқиқотлар, РК генетикаси, климатологияси, диетологияси соҳаларида олиб бориладиган фундаментал ва амалий тадқиқотлар учун илмий асос бўлиши, АCR ва SLICC меъзонлари ва халқаро стандартларга кирмаган ТҚЮ белгиларининг тарқалиш кўрсаткичи ва диагностик ахамиятини аниқлаш касалликнинг кечувини, аъзолар зарарланишлари тури ва оғирлигини белгилаш имкониятини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ахамияти Lupus Qol сўровномаси асосида ҳаёт сифати кўрсаткичларини ўрганиш беморларнинг кундалик ва ижтимоий ҳаётда мустақиллиги, жисмоний, психологик фаоллиги ва стресс манбаларини ўз вақтида аниқлаш, муҳим амалий ахамиятга эга бўлган реабилитация ва психологик ёрдам кўрсатиш ва асосий даво муолажаларини белгилаш, босқичли қўлланилган СИТ усулининг аниқланган самарадорлиги ва хавфсизлиги ушбу усулни ревматология, терапия бўлимлари амалий фаолиятида ва соғлиқни Сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида кенг қўллаш имкониятини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кескин континентал иқлим шароитида тимизли қизил югирик касаллигининг диагностикаси ва даволаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Тизимли қизил югирик касаллигини хавф омилларини дастурий аниқлаш алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 5 ноябрдаги 8н-р/464-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома кескин континентал иқлим шароитида тизимли қизил югирик касаллигининг хавф омиллари ва уни эрта аниқлаш, ўз вақтида ташхислаш ва даволаш имконини берган;

Кескин континентал иқлим шароитида тизимли қизил югирик касаллигининг ташхислаш ва даволаш бўйича тавсиялар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд шаҳар ва Самарқанд тумани тиббиёт бирлашмаларида тадқиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 8 июндаги 8н-з/39-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши кескин континентал иқлим шароитида тизимли қизил югирик касаллигининг ривожланишида ирсий мойиллик (58,7%), иқлимнинг салбий таъсири (73,8%) ва озиқ-овқат стереотиплари (87,5%) асосий хавф омиллари деб ҳисоблади. Шунингдек, ирсий преморбид ҳолати, кескин континентал иқлим омиллари ва озиқ-овқат стереотиплардаги бузилишлар билан ўзаро ўрта ва юқори даражада ($r=0,72$ ва $r=0,50$) корреляцион боғлиқлиги ҳамда яратилган дастурнинг ревматология амалиётида самарали қўллаш тизимини яратиш ва самарадорлигини ошириш имконини берганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 55 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати ТҚЮ касаллигининг асосий хавф омилларини аниқлаш, диагностикаси ва даволаш юзасидаги тадиқотларга асосланган. Тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари шакллантирилган, предмет ва объекти тавсифланган, Республика фан ва технология устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тизимли қизил югирик касаллигининг келиб чиқиши, ривожланиши, диагностикаси, даволаш ва

профилактикасининг долзарб муаммолари» деб номланган биринчи бобида ишга оид адабиётлар таҳлили келтирилган. Ирсий мойиллик, иқлимий омиллар, салбий овқат стереотипларининг ТҚЮ касаллигининг ривожланишдаги аҳамиятига оид маълумотлар берилган. Касалликнинг аниқлаш ва даволаш, ҳамда беморлар ҲС кўрсаткичларини аниқлаш бўйича маълумотлар таҳлил этилган. Шарҳда Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ТҚЮ билан касалланган беморлар генеалогик жиҳатдан кам ўрганилганлиги таъкидланган.

Диссертациянинг «**Тизимли қизил югирик касаллигини ташхислаш ва даволаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот дизайни, материал ва текширув усуллари, беморларнинг клиник тавсифи, умумий ва махсус текширув усуллари, текширув натижаларини статистик ҳисоблаши келтирилган. Республикамизнинг учта клиникаси: СамДТИ 1-клиникаси ревматология бўлими, ТТА ИДАК артрология маркази ва АндДТИ клиникаси терапия бўлимида даволанган ТҚЮ билан касалланган 184 нафар беморнинг текширув натижалари ишнинг асосини ташкил этди. Диагнозни тасдиқлаш учун АCR (1997) ва SLICC (2012) мезонлари қўлланилди. Мазкур иш 01.06.2016 дан 31.12.2018 йилларга мўлжалланган «ТҚЮ билан касалланган беморлар регистри, Евроосиё когортаси» шартномаси доирасида В.А. Насонова номидаги РИТИ ФДБИ корхонаси билан ҳамкорликда олиб борилди.

Беморларнинг ирсиятини аниқлашда Н.П. Бочковнинг (2004) клиник-генеалогик усулидан фойдаланилди. Ревматик касалликлар бўлган ирсий мойилликнинг хавф даражасини аниқлаш учун ЭВМ дастури ишлаб чиқилди. Дастур асосида ревматик касалликларни келиб чиқиш хавфи балларда аниқланди.

Овқатланиш хусусиятлари ва салбий овқат стереотипларини ўрганиш учун 16 хил овқат маҳсулотларини истеъмол қилишга оид саволларни ўз ичига олган анкета усулидан фойдаланилди. Хар бир овқат маҳсулотларини истеъмол қилишдаги бузилишлар даражаси 5 та градация ва унга мос балларни ўз ичига олади. Овқат стереотиплари бузилиш даражаси умумий баллар йиғиндиси 1 баллдан 20 баллгача бўлганда енгил, 21-40 баллгача – ўртача, 41-60 баллгача - ифодаланган, 61-80 баллгача – сезиларли, 81-100 баллгача – оғир даражада баҳоланди.

Иқлим омилларининг таъсири ЭСҲ кўрсаткичлари асосида баҳоланди. Кундалик хароратнинг комфортлик (кулайлик) даражаси ўзаро 6 градусга фарқланувчи 11 та гуруҳда ўрганилди. Хар бир гуруҳда ЭСҲ кўрсаткичларини таъсири балларда қуйидагича аниқланди: 0-1 балл – таъсири йўқ, 1-2 балл – таъсири кам, 3 балл – ўртача таъсир, 4 балл – кучли таъсир.

Беморлар ҲС кўрсаткичлари В.А. Насонова номидаги РИТИ ФДБИ (2007) корхонасида касалликка мослаштирилган Lupus Quality of Life (Lupus-QoL) сўровномаси асосида баҳоланди. Махсус сўровнома 34 та савол ва 8 та бўлимдан иборат: «Жисмоний саломатлик», «Оғрик», «Режалаштириш», «Интим муносабатлар», «Қарамлик», «Эмоционал саломатик», «Тана

тасаввури», «Чарчаш». Хар бир бўлимга 2 тадан 8 тагача савол киритилган. Жавоблар Лайкертнинг 5 баллик шкаласи орқали баҳоланади: (0– доимий, 1– деярли доимий, 2– сезиларли тез-тез, 3– кам, 4–хеч қачон). Ўртача баҳо 0 (энг ёмон кўрсаткич) дан 100 гача (энг яхши ҳаёт сифати кўрсаткичи) балларда баҳоланади.

Диссертациянинг «Тизимли қизил югирик касаллигининг ички ва ташқи преморбид омилларини баҳолаш» деб номланган учинчи бобида ички преморбид фон патологик ирсият ва ташқи кўзгатувчи омиллар (иқлим, озиқ стереотиплари) нинг ТҚЮ ривожланишидаги аҳамиятини ўрганиш бўйича хусусий текширув натижалари келтирилган (1-жадвалга қаранг).


1-жадвал

ТҚЮ сабабларининг омилли таҳлил кўрсаткичлари (%)

	Омиллар	Кўрсаткичи
1.	Ревматик касалликларда патологик ирсийланиш	58,7%
1.1	Оналарида ревматик касалликлар бўлиши	26,4%
1.2.	Онасининг онасида ревматик касалликлар бўлиши	22,2%
1.3.	Онасининг отасида ревматик касалликлар бўлиши	21,2%
2.	Иқлим омиллари	73,8%
2.1.	Яққол ва кучли иссиқлик таъсири	48,4%
2.2.	Ўртача иссиқлик таъсири	18,9%
2.3.	Қулай иссиқлик таъсири	11,4%
2.4.	Ўртача салқин ҳаво	3,3%
3.	Озиқ-овқат стереотипларни бузилиши	81,2%
3.1.	Туз ва тузламалардан ортиқча фойдаланиш	80,0%
3.2.	Саримсоқ, пиёз, турли зираворлар ва аччиқ зираворларни ортиқча истеъмол қилиш	57,5%
3.3.	Газланган ичимликларни ортиқча истеъмол қилиш	40,0%
3.4.	Балиқ, жигар ва товукни кам истеъмол қилиш	35,0%
3.5.	Ёғда пиширилган, қовурилган овқатларни ортиқча истеъмол қилиш	33,8%
3.6.	Сут, творог ва сут маҳсулотларини кам истеъмол қилиш	26,3%
3.7.	Шоколад ва қаҳвани тез-тез истеъмол қилиш	25,0%
3.8.	Кўкат,сабзавот ва меваларни кам истеъмол қилиш	22,5%
3.9.	Шакар, ширинликлар ва қандолат маҳсулотларини ортиқча истеъмол қилиш	18,8%
4.	Абортлар, акушер-гинекологик манипуляциялар, асоратланган хомиладорлик, муддатдан олдин ва оғир туғруқлар	
5.	Психоэмоционал омиллар ва жисмоний зўриқиш	
6.	Аниқ сабабни кўрсатмади	

Текширувларда ТҚЮ билан касалланган беморларнинг шажарасида 58,7% ҳолатда ревматик касалликларни бўлиши аниқланди. Бунда беморларнинг ирсияти оналари: онаси (26,4%), онасининг онаси (22,2%) ва отасининг онаси (21,2%) томонидан кўп оғирлашади. Беморларнинг яқин қариндошлари орасида тарқалишига кўра остеоартроз (ОА, 28,7%), юракнинг сурункали ревматик касаллиги (ЮСРК, 23,6%), ревматоид артрити (РА, 21,7%) ва реактив артритлар (РеА, 10,2%) каби ревматик касалликлар, қариндошларнинг ўлими сабаблари ичида ЮСРК ва юрак нуқсонлари (14,0%), РА (6,4%) ва ТҚЮ (4,4%) кўп аниқланади. Беморлар шажарасида РК бўлган ирсий омил таъсири 31,9% ҳолатда енгил (1-2 нафар бемор мавжудлиги), 44,7% ҳолатда ўртача (3-4 нафар бемор мавжудлиги) ва 23,4% ҳолатда оғир (бемор ва вафот этганлар мавжудлиги) даражада ифодаланади. Кескин континентал минтакаларда ТҚЮ касаллигининг учраши кўпинча баҳорнинг тугаши, ёзнинг бошланиши ва ўрталарида содир бўлади. ТҚЮ учраш даражаси баҳорда 30,4%, ёзда - 33,2% бўлади (1-расмга қаранг). Ўртача, яққол ва кучли иссиқлик таъсири касаллик учун муҳим омил ҳисобланади. Қиш ва кузда ТҚЮ камроқ ривожланади (20,7% ва 15,8%). ТҚЮ ривожланишида 73,8% ҳолатда иқлим омиллари сабаб бўлади. Иқлим омиллари таъсир даражаси 14,8% ҳолатда енгил, 19,0% ҳолатда—ифодаланган ва 40,0% кучли ифодаланган таъсирга эга бўлади.

Озиқ-овқат стереотиплари анкета орқали ўрганилганда туз ва тузланган маҳсулотларни ортиқча фойдаланиш 80,0% беморда, юқори аллергик хусусиятли озиқ-овқатлар саримсоқ, пиёз, турли зираворлар ва аччиқ қалампир истеъмол қилиш 57,5% беморда аниқланди. 40% беморда газланган ичимликларни тез-тез истеъмол қилиш 25,0% беморда - шоколад ва қаҳвалар, 18,8% беморда - шакар, ширинликлар ва қандолатчилик маҳсулотларини тез-тез истеъмол қилиниши қайд этилди. 33,8% беморда ҳафта давомида етти ёки ундан ортиқ марта думба ёғи, пиширилган ёғли ёки қовурилган озиқ-овқат истемол қилиниши хос бўлди. Мева ва сабзавотларнинг кўплиги ва хилма-хиллигига қарамадан 22,5% ва 18,8% бемор уларни ҳафтасига фақат 1 марта (кам миқдор) қабул қилган.



1-расм. ТҚЮ касаллигининг илк пайдо бўлиш вақти (дебюти, %)

Рациондаги муҳим озиқ-овқат маҳсулотларидан 35,0% бемор балиқ, жигар ва товук гўштини (1 ҳафтада 2-3 мартадан кам), 26,3% бемор - сут, творог ва сут маҳсулотларини (кун ора) кам қабул қилиши аниқланди. Овқатланишдаги камчиликларнинг аксарияти беморларнинг овқатланиш қоидаларидан етарли даражада хабардор эмасликлари билан боғлиқ бўлди. Сўровнома 70,0% беморнинг соғлом овқатланиш ва парҳез хусусиятларини билмаслигини (ёки етарлича билмаслигини) кўрсатди.

Умуман, юқоридаги 16 турдаги маҳсулотларининг истемолига кўра 27,5% ҳолда енгил, 53,8% ҳолда эса ўртача даражадаги овқатланиш бузилишлари хос бўлади.

ТҚЮ ривожланишининг асосий омиллари - ирсий мойиллик, иқлим омиллари ва озиқ стереотипларидаги бузилишларнинг ўзаро боғлиқлик даражаси омилли таҳлили уларнинг анча юқори даражада боғлиқлик корреляциясига эга эканлигини кўрсатади ($r=0,72$ ва $r=0,50$).

Диссертациянинг «**Кескин континентал иқлим шароитида яшовчи беморларда ТҚЮ касаллигининг клиник кўринишининг ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида АСР мезонлари (1997), SLICC (2012) ва стандарт мезонларга киритилмаган касаллик белгиларига кўра ТҚЮ билан оғриган беморларда касалликнинг клиник хусусияти келтирилган.

Кескин континентал иқлимга эга барча ҳудудларда касаллик полисиндром хусусиятлари билан характерланди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Диагноз мезонларига (АСР, 1997) мос келувчи ТҚЮ касаллигининг клиник белгиларининг учраш даражаси

Кўрсаткичлар	Текширилган вилоятлар			Зарарланишлар даражаси
	Тошкент	Андижон	Самарқанд	
Ёноқдаги тошмалар (фиксацияланган эритема)	50 (100%)	54 (100%)	80 (100%)	184 (100%)
Дискоид тошма	33 (66,0%)	32 (59,2%)	54 (67,5%)	119 (65,0%)
Фотосенсибилизация	39 (78,0%)	38 (76,0%)	52 (65,0%)	129 (70,0%)
Оғиз бўшлиғи яралари:				
ҳозирги вақтда	27 (54,0%)	32 (59,3%)	47 (58,8%)	106 (57,6%)
анамнезда	21 (42,0%)	25 (46,3%)	38 (47,5%)	84 (46,0%)
Бўғимлар зарарланиши:				
артрит	6 (12,0%)	7 (13,0%)	9 (11,3%)	22 (12,0%)
артралгия	43 (86,0%)	45 (83,3%)	69 (86,3%)	157 (85,3%)
Серозитлар:				
плеврит (пневмония)	27 (54,0%)	30 (55,6%)	45 (56,3%)	102 (55,4%)
перикардит	16 (32,0%)	15 (27,8%)	24 (30,0%)	55 (29,9%)
Буйраклар зарарланиши				
МНТ зарарланиши	12 (24,0%)	10 (18,5%)	18 (22,5%)	40 (21,7%)
	9 (18,0%)	7 (13,0%)	14 (17,5%)	30 (16,3%)
	3 (6,0%)	3 (5,6%)	4 (5,0%)	10 (5,4%)
	43 (86,0%)	44 (81,5%)	67 (83,8%)	154 (83,7%)
	18 (36,0%)	16 (29,6%)	27 (33,8%)	61 (33,2%)

Тери зарарланишларининг асосий белгиси - ёноқдаги тошмалар: назолабиал зонага тарқалиш тенденциясига эга фиксацияланган (кўзгалмас) эритема барча беморларда (100%) аниқланди. 65,0% беморларда «капалак» эритемаси дискоид тошмалар: эритематоз, теридан кўтарилиб турувчи, фолликуляр тикинларга эга, эски ўчоқларда - атрофик чандиқларга эга тошмалар билан бирга кечади. Фотосенсибилизация - қуёш нурига реакция натижасида терида тошма пайдо бўлиши 70% беморда учради. Оғиздаги яралар: оғиз бўшлиғи ёки бурун-ҳалқум яраси беморларнинг ярмидан кўпида (57,6%) аниқланди.

АСР (1997) мезонларига киритилмаган белгилардан алопеция (бошнинг соч қисми, қошлари, киприқлари, кўлтиқларидан соч тўкилиши) кўпчилик – 61,3% беморда: 45,0% - диффуз, 16,3% – ўчоқли тўкилиш аниқланди. Беморларнинг учдан бир қисмида (29,0%) Текширувларда ТҚЮ билан касалланган беморларнинг шажарасида 58,7% ҳолатда РК бўлиши аниқланди. Бунда беморларнинг ирсияти оналари: онаси (26,4%), онасининг онаси (22,2%) ва отасининг онаси (21,2%) томонидан кўп оғирлашади. Беморларнинг яқин қариндошлари орасида тарқалишига кўра остеоартроз (ОА, 28,7%), юракнинг сурункали ревматик касаллиги (ЮСРК, 23,6%), ревматоид артрити (РА, 21,7%) ва реактив артритлар (РеА, 10,2%) каби РК, қариндошларнинг ўлими сабаблари ичида ЮСРК ва юрак нуқсонлари (14,0%), РА (6,4%) ва ТҚЮ (4,4%) кўп аниқланади.

Беморлар шажарасида РК бўлган ирсий омил таъсири 31,9% ҳолатда енгил (1-2 нафар бемор мавжудлиги), 44,7% ҳолатда ўртача (3-4 нафар бемор мавжудлиги) ва 23,4% ҳолатда оғир (бемор ва вафот этганлар мавжудлиги) даражада ифодаланади.

Кескин континентал минтақаларда ТҚЮ касаллигининг учраши кўпинча баҳорнинг тугаши, ёзнинг бошланиши ва ўрталарида содир бўлади. ТҚЮ учраш частотаси баҳорда 30,4%, ёзда - 33,2% бўлади (1-расмга қаранг). Ўртача, яққол ва кучли иссиқлик таъсири касаллик учун муҳим омил ҳисобланади. Қиш ва кузда ТҚЮ камроқ ривожланади (20,7% ва 15,8%). ТҚЮ ривожланишида 73,8% ҳолатда иқлим омиллари сабаб бўлади. Иқлим омиллари таъсир даражаси 14,8% ҳолатда енгил, 19,0% ҳолатда – ифодаланган ва 40,0% ҳолатда кучли ифодаланган таъсирга эга бўлади.

Озиқ-овқат стереотиплари анкета орқали ўрганилганда туз ва тузланган маҳсулотларни ортиқча фойдаланиш 80,0% беморда, юқори аллергик хусусиятли озиқ-овқатлар саримсоқ, пиёз, турли зираворлар ва аччиқ қалампир истеъмол қилиш 57,5% беморда аниқланди. 40% беморда газланган ичимликларни тез-тез истеъмол қилиш 25,0% беморда - шоколад ва қаҳвалар, 18,8% беморда - шакар, ширинликлар ва қандолатчилик маҳсулотларини тез-тез истеъмол қилиниши қайд этилди. 33,8% беморда ҳафта давомида етти ёки ундан ортиқ марта думба ёғи, пиширилган ёғли ёки қовурилган озиқ-овқат истемол қилиниши хос бўлди. Мева ва сабзавотларнинг кўплиги ва хилма-хиллигига қарамасдан 22,5% ва 18,8% бемор уларни ҳафтасига фақат 1 марта (кам миқдор) қабул қилган. капалак» эритемаси тери зарарланишининг

махсус тури - аллергия тошмаларга ўхшаш бўлган кўп тошмалар билан кечди.

ТҚЮ билан касалланган 85,3% беморда бўғим зарарланиши аниқланди. ТҚЮ диагностик белгиси артрит 56,3%, артралгия (SLICC 2012 клиник мезони) - 30,0% беморларга хос бўлади. Буғим синдроминаинг учраш частотаси касалликнинг фаоллик даражасига мос равишда ўсиб бориб, касалликнинг I, II ва III даражали фаоллигига мос равишда 50,0; 81,6 ва 100,0% ни ташкил қилди.

Касалликда бўғим синдроми ўзига хос клиник хусусиятларига эга: ВАШ бўйича оғриқ интенсивлиги - $3,5 \pm 0,8$ см (ўртача интенсивлик), шишган бўғимлар сони - $4,6 \pm 1,2$, оғриқли бўғимлар сони - $6,4 \pm 1,4$ (ўртача миқдор), кафт манипуляцион индекси - $85,5 \pm 7,8\%$ (кучсиз чекланиш) ва бўғимларнинг эрталабки қотиши $40,5 \pm 5,4$ минутни (қисқа муддат) ташкил этди.

Жойлашишига кўра артрит кўпчилик ҳолларда кичик бўғимларда: проксимал бармоқлараро (55,0%), кафт-бармоқ (53,8%), товон карпал қисми ва бармоқлар (36,3%), метакарпал (35,0%), билак-кафт (31,3%) ва торсал-тўпиқ (22,5%) бўғимларида ривожланади. Артралгия эса кўпинча ўрта ва йирик бўғимларда, асосан, тизза бўғими (27,5%), елка бўғими (22,5%), тирсак бўғими ва умуртқа поғонаси (21,3%) ва чаноқ-сон бўғимида (11,2%) аниқланди.

11,3% беморларда бармоқлараро ва кафт-бармоқ бўғимлари зарарланишлари: бўғимлараро мушаклар атрофияси, тоғай-бойлам аппаратидаги оғриқлар, кучли ифодаланган деформациялар ва бармоқлар букилган қийшайишлари туфайли юзага келган оғир ўзгаришлари билан ажралиб турди. Бунда кафт манипуляцион қобиляти кескин чекланади (ўртача $35,5 \pm 4,8\%$ гача). Бўғимларни ушбу типдаги зарарланиши D.Allarcon-Segovia (1988) мезонларига кўра бармоқлар деформиацияловчи артропатияси - Жакку синдромига тўғри келади. ТҚЮ касаллигининг бошқа оғир асорати-чаноқ суяги бошчаси асептик некрози 3,8% беморда аниқланди.

Бўғимлар зарарланишлари ТҚЮ касаллигининг диагностик мезонларига киритилмаган: миалгия (43,8%), дигитал васкулит (31,3%), Рейно синдроми (22,5%), «тўрсимон ливедо» (17,5%) ва бўғим соҳаси эритемаси (13,8%) каби белгилар билан бирга учради.

ТҚЮ касаллигининг оғир зарарланишлардан бири-буйрак зарарланишлари 83,7% беморда учради. Артериал гипертензия синдроми 30,0%, сурункали буйрак етишмовчилиги - 22,5% ҳолатда ифодаланди. Нефритик синдром 38,8%, нефротик - 20,0% беморларда аниқланди.

Буйраклар зарарланиши юз, қовоқ, қўл ва оёқлар (55,2%), тана шиши (26,8%), артериал босим кўтарилиши (35,8%) ва суткалик диурез миқдорининг ўзгаришлари билан намоён бўлди. Лаборатор кўрсаткичлардан анемия люпус нефрит билан касалланганларнинг барчасида: 68,7% беморларда ўртача даражада, 20,8% беморларда оғир даражада аниқланди.

49,2% беморда сийдик синдроми протеинурия билан кечди (ўртача $1,7 \pm 0,3$ г/л). Микрогематурия 58,2%, лейкоцитурия - 46,2% ва цилиндрурия - 44,7% беморларда аниқланди. Протеинурия даражаси касалликнинг

фаоллигига боғлиқ бўлди (I даражада - $0,6 \pm 0,3$; II даражада - $1,4 \pm 0,5$, III даражада - $2,0 \pm 0,5$ $P_{1;2} < 0,05$; $P_{1;3} < 0,02$). Ушбу ҳолат эритроцитурия (I даражада - $5,1 \pm 0,03$; II даражада - $5,5 \pm 0,02$, III даражада - $6,5 \pm 0,03$ $p < 0,05$; $p < 0,02$) ва цилиндрурия (I даражада - $2,5 \pm 0,1$; II даражада - $3,0 \pm 0,2$, III даражада - $4,2 \pm 0,3$ $p < 0,05$; $p < 0,02$) таҳлилида ҳам сақланиб қолди.

Буйраклар зарарланишларининг келиб чиқишида иммун бузилишлар ҳам қатнашади. Тизимли жараённинг фаоллик даражасига мос равишда яллиғланиш ва яллиғланишни кучайтирувчи омиллар – ЎНО- α , СРО, ЦИК кўрсаткичларни ошуви, яллиғланишга қарши омиллар С3 ва С4 кўрсаткичларни эса пасайиши хос бўлди (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Иммун кўрсаткичларини ТҚЮ касаллигининг фаоллик даражасига кўра ўзгаришлари

Фаоллик даражаси	ЎНО- α , мг/мл	СРО, мг/л	ЦИК, т.б.	С3, г/л	С4, г/л
I	$7,8 \pm 0,2$	$17,4 \pm 0,8$	$74,8 \pm 4,2$	$0,9 \pm 0,02$	$0,08 \pm 0,004$
II	$11,3 \pm 0,4^*$	$22,5 \pm 0,3^*$	$118,7 \pm 2,5^*$	$0,7 \pm 0,02^*$	$0,07 \pm 0,002^{**}$
III	$14,8 \pm 0,6^{**}$	$26,5 \pm 0,4^{**}$	$184,5 \pm 4,2^{**}$	$0,6 \pm 0,02^*$	$0,05 \pm 0,001^{**}$

P – юқори даражадаги фаоллик кўрсаткичларини паст ва ўрта даражага нисбатан ишончлиги (*-0,05; **-0,02)

Касалликнинг фаоллик даражасининг ошуви ЎНО- α ($r=0,3$), СРО ($r=0,2$), ЦИК ($r=0,3$) кўрсаткичларининг ошув даражаси билан тўғри, комплемент компонентлари С3 ($r=-0,28$) ва С4 ($r=-0,26$) кўрсаткичлари ошув даражаси билан нотўғри корреляцион боғлиқликка эга бўлди.

Люпус нефрит билан касалланган беморларда креатиннинг ўртача миқдори $98,2 \pm 5,3$ мкмоль/л, мочевинанинг миқдори – $7,5 \pm 0,4$ ммоль/л, буйраклар фильтрация тезлиги (БФТ) кўрсаткичи – $82,5 \pm 3,7$ мл/дак ташкил этди. Буйраклар функционал қобилятининг пасайиши ТҚЮ касаллигининг фаоллик даражасига мос бўлди. Касалликнинг юқори даражадаги фаоллигида паст ва ўрта фаолликка нисбатан креатинининг миқдори 1,2 ва 1,5 марта кўп бўлди. Юқори фаолликда БФТ кўрсаткичининг паст ва ўрта фаолликка нисбатан (1,4 ва 1,2 марта) паст бўлиши кузатилди (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Креатинин, мочевина ва БФТ кўрсаткичларини ТҚЮ касаллигининг фаоллик даражасига кўра ўзгаришлари

Фаоллик даражаси	Креатинин, мкмоль/л	Мочевина, ммоль/л	БФТ, мл/мин
I	$72,5 \pm 2,3$	$8,1 \pm 2,1$	$105,3 \pm 3,5$
II	$87,7 \pm 7,5^*$	$7,0 \pm 0,5$	$89,5 \pm 4,7^*$
III	$108,5 \pm 7,6^{**}$	$7,9 \pm 0,5$	$74,7 \pm 5,2^{**}$

P – юқори даражадаги фаоллик кўрсаткичларини паст ва ўрта даражага нисбатан ишончлиги (*-0,05; **-0,02)

Кузатувимизда юракнинг зарарланишлари ТҚЮ билан касалланган 51,3% беморларда, энг кўп касалликнинг 5 йилдан кўп давом этганида (66,7%) учради. Энг катта гурухни миокардитлар билан касалланган беморлар ташкил этди – 22,5%. 16,3% беморларда юракнинг дистрофик зарарланиши – миокардиодистрофия, 5,0% - перикардит, 2,5% - митрал клапани етишмовчилиги ўрин олди. 10,0% ҳолатда юрак зарарланишининг кам симптомли тури характерли бўлди. ТҚЮ касаллиги билан касалланган 13,8% беморда сурункали юрак етишмовчилиги ривожланди.

МНТ зарарланишлари 33,8% ҳолатда ўрин олди. МНТ зарарланишларининг клиник белгиларини бош оғриши (33,8%), астено-невротик синдром (15,0%), депрессив бузилишлар (7,5%), фобик бузилишлар (5,0%) ва талваса синдроми (2,5%) ташкил этди. Бош миёда ўткир кон айланиши бузилишлари кам ҳолатда – 1,3% беморларда кузатилди, ўтиб кетувчи бузилишлар – 2,5% ҳолатда учради.

Ўпканинг зарарланиши 17,5% беморларда, кўпроқ касалликнинг ўткир кечуви (33,3%) ва юқори даражали фаоллигида (29,4%) аниқланди. 10,0% беморларда пневмония, иккиламчи инфекция таъсири натижасида келиб чиққан плевритсиз пневмония сифатида баҳоланди. 7,5% беморларда ўпканинг зарарланиши плеврит, 5,0% беморларда – плеврит ва пневмониянинг (полисерозит) биргаликда кечуви хос бўлди.

ТҚЮ касаллиги билан касалланган беморларда ҲС кўрсаткичларини барча шкалалар бўйича пасайиши қайд қилиниб, «Жисмоний саломатлик», «Чарчаш», «Режалаштириш», «Қарамлик» ва «Оғриқ» ($39,7\pm 3,1$; $43,4\pm 2,3$; $44,0\pm 2,6$; $44,4\pm 0,4$; $44,5\pm 6,2$ балл) каби шкалаларда жиддий пасайиш (50 баллдан паст) аниқланди. Беморлар учун ҲС кўрсаткичларини пасайишидан дарак берувчи ҳаракат фаоллигининг кескин чекланиши, жисмоний зўриқишларга бўлган толерантликни пасайиши, мустақил фаолиятни чегараланиши, бола парваришидаги қийналишлар ва уйқу бузилишлари хос бўлди («Жисмоний саломатлик» доменида). Диққат-эътиборни жамлаш фаолиятини пасайиши, толиқиш ҳисси, чарчоқлик, сусткашлик, эрталабки қийналишлар кузатилди («Чарчаш» домени). Беморларда кундалик ва ижтимоий фаолиятини ташкил қила олмаслик, турли тадбирларда ўз иштирокларини режа қила олмаслик («Режалаштириш» домени), ўзларини кўшимча юк, яқинлари учун стресс ва ташвиш манбаи каби ҳис қилиш («Қарамлик» домени) ҳолатлари кузатилди. «Оғриқ» доменидаги оғриқ билан боғлиқ: «Оғриқ менга яхши ухлашга халақит беради» (10 савол), «Оғриқ шунчалик кучли-ки, у менинг ҳаракатимни чеклайди» (11 савол), «Оғриқ туфайли мен истаганимча ўз ишимни бажара олмайман» (9 савол) каби саволларга беморлар кўпроқ урғу бердилар.

Беморлар ҲС кўрсаткичларининг пасайиш даражаси касалликнинг фаоллиги билан ўзаро боғлиқ бўлди. ТҚЮ касаллигининг юқори фаоллигида «Жисмоний саломатлик» доменида ҲС кўрсаткичларининг энг паст қийматларга эга эканлиги қайд этилди- $36,6\pm 3,1$ балл. Ушбу ҳолат беморларнинг иш қобилиятининг пасайиши, кундалик ишларини бажара олмасликларидан хавотирланишлари оқибатида келиб чиқди.

Диссертациянинг «Тизимли қизил югирик билан хасталанган беморларни даволаш самарадорлиги» деб номланган бешинчи бобида даволаш усулларининг хусусиятлари баён этилган ва уларнинг самарадорлиги баҳоланган. Беморларни даволаш жараёнида диетотерапия, режим билан бир қаторда касалликнинг дори-дармон билан даволанишига асосий аҳамият берилди. Асосий дорилардан касалликнинг паст фаоллигида аминохинолин препаратлари (10% беморларда, плаквенил ёки делагил 200-400 мг/кундалик дозада), ўрта ва юқори фаоллигида - метотрексат (13,8% беморларда, 10,0-15,0 мг/ҳафталик дозада) ёки лефлуномид (37,5% беморларда, кунига 20 мг миқдорида) қўлланилди. Яллиғланишга қарши терапия асосини кортикостероид гормонлар (КСГ): преднизолон, гидрокортизон, метилпреднизолон ва дексаметазон (оғиз орқали қабул қилиш (ичиш), вена ичига юбориш ва СИТ таркибида қўллаш) ташкил этди. Умумий равишда КСГ 91,3% беморга қўлланилди. КСГ терапиясини тавсия этишда ТҚЮ касаллигининг фаоллик даражаси, касалликнинг кечиши ва аъзолар зарарланишларининг оғирлиги ҳисобга олинди. Яллиғланишга қарши даволаш усулларининг қиёсий самарадорлигини ўрганиш учун барча беморлар 3 гуруҳга бўлинди (5-жадвалга қаранг).

Биринчи гуруҳ 24 бемордан ташкил топди. Бу гуруҳ беморларига КСГ ичишга (20-40 мг кундалик дозада) буюрилди. Ўртача ёши – $28,7 \pm 1,3$ йил, ТҚЮ касаллигининг давомийлиги – $59,7 \pm 1,3$ ой. Даволашдан олдин ушбу гуруҳдаги беморларда ТҚЮ касаллигининг 140 та клиник мезонлари ва белгилари (1 бемор учун ўртача 8,2 та белги) мавжуд бўлди. Патологик жараённинг паст ва ўртача фаоллиги билан бир қаторда, SLICC кўрсаткичларининг ўртача қийматлари (ТҚЮ касаллигининг барқарор кечуви) ушбу турдаги давони танлашга сабаб бўлди.

